



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 9, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST
VOLUME 9, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2026

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат университети

Махкамова Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ермегов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Рашидов Ойбек Расулович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайдон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Курбанов Бахтияр Журабаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Наманган давлат университети

Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Баҳадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Юсупов Аҳмеджон Шоназарович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Urganch davlat universiteti

Тиллажаева Хуршида Джумаваевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Тошкент давлат техника университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоқов Бахтиёр Робидинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети


Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

Турсунова Юлдуз Бобоқулловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

Азаматова Гулмира Байирбековна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Jizzax davlat pedagogika universiteti

Каримжонов Жасурбек Мухторжонович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Ўзбекистон Миллий университети

| | |
|--|----|
| 1. Diloram Babajanova O‘ZBEKISTON XOTIN-QIZLARI:ILM-FAN DARG‘ALARI TARIXDA VA HOZIR..... | 5 |
| 2. Nilufar Dalibayevna Djurayeva XOTIN-QIZLARGA MUNOSABAT MASALASIDA SOVETLAR SIYOSATI: MANBALAR TAHLILI VA TARIXSHUNOSLIK MASALALARI..... | 13 |
| 3. Наргиза Абдурахманова ЗАМОНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА АБУЛ БАРАКОТ НАСАФИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ..... | 30 |
| 4. Шерзод Таштурсунович Бахранов ЎЗБЕКISTОН ССРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНИНИ РИВОЖЛАНИШИ: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАРИ..... | 37 |
| 5. Ixtiyor Voxodir o‘g‘li Voxodirov TURKISTON HARBIY OKRUGI TOMONIDAN 1916-YILGI JIZZAX QO‘ZG‘OLONING BOSTIRILISHI VA UNING OQIBATLARI..... | 47 |
| 6. Наргиза Кенжаева ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ПРОСОПОГРАФИК МЕТОДНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ: ПОМИР РУС ТАДҚИҚОТЧИЛАРИНИНГ ЖАМОАВИЙ БИОГРАФИЯСИ (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ)..... | 53 |
| 7. Lola Yusupovna Samatova IKKINCHI JAHON URUSHI DAVRIDAGI SOVET UCHUVCHI AYOLLAR BO‘LINMASI TO‘G‘RISIDA..... | 66 |
| 8. Ismoil Alimbayevich Nurmetov O‘ZBEKISTONDA BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARINI (BRM) AMALGA OSHIRISH STRATEGIYASI..... | 72 |
| 9. Malika Xaydarova Shaxriddin qizi AMIR TEMURNING JANGLARDAGI HARBIY MAHORATI..... | 78 |
| 10. Feruza Erkinovna Atajanova OLIIY TA‘LIM SOHASIDAGI ISLOHOTLAR TENDENSIYALAR TAHLILI..... | 83 |
| 11. Muborak Madrimovna Matyakubova XVI-XIX ASRLARDA XIVA XONLIGI BOZORLARIDA BOZORBOSHI, RAIS, MUHTASIB, SARROFLAR VA DALLOLLARNING FAOLIYATI VA HUQUQIY MAQOMI..... | 89 |
| 12. Анварбек Муродович Омонов, Маъруфжон Нурулиевич Рўзиев КЎЛБУЛОҚ МАКОНИ ТОШ ИНДУСТРИЯСИНИНГ ТАҲЛИЛИГА ДОИР (ИЛК ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)..... | 94 |




Анварбек Муродович Омонов,
 Фан ва технологиялар университети
 “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти,
 тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
 E-mail:omonovanvarbek13@gmail.com

Маъруфжон Нуролиевич Рўзиев,
 Фан ва технологиялар университети
 Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш
 методикаси (Тарих) йўналиши
 2-босқич магистранти
 E-mail:marufjonroziyev34@gmail.com

КЎЛБУЛОҚ МАКОНИ ТОШ ИНДУСТРИЯСИНИНГ ТАҲЛИЛИГА ДОИР (ИЛК ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)

For citation: Anvarbek M.Omonov, Ma'rufjon N.Ro'ziyev. ON THE ANALYSIS OF THE STONE INDUSTRY OF THE KULBULAK (BASED ON MATERIALS OF THE EARLY PALEOLITHIC PERIOD). Look to the past. 2026, vol. 9, issue 5.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.20082846>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Оҳангарон воҳасида жойлашган қадимги тош даврига мансуб ёдгорликлардан бири Кўлбулоқ маконининг санаси, илк палеолит даврига оид тош индустриясининг талқини борасидаги мунозаралар ва танқидий қарашлар тўғрисида сўз юритилади. Шунингдек, мақолада палеолитшунос олим М.Р. Қосимовнинг илмий ишлари асосида Кўлбулоқ технокомплексининг илк палеолит даври ётқизиқларидан қазиб олинган тош ашёларнинг техник-типологик хусусиятлари ва маданий хослиги ҳам батафсил таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Илк палеолит, ашел, леваллуа, микок, тош индустрия, пластина, учиринди, ўзак (нуклеус), чоппер, қўл чуқмори (бифас), тош болта (кливер).

Омонов Анварбек Муродович,
 доцент кафедры “Общественных наук”
 Университета науки и технологий,
 доктор философии по историческим наукам (PhD)
 E-mail:omonovanvarbek13@gmail.com
Рўзиев Маъруфжон Нуролиевич
 магистрант 2 курса направления
 «Методика преподавания общественно-гуманитарных
 наук (история)»
 Университета науки и технологий
 E-mail:marufjonroziyev34@gmail.com

К ВОПРОСУ АНАЛИЗА КАМЕННОЙ ИНДУСТРИИ СТОЯНКИ КУЛЬБУЛАК (НА ОСНОВЕ МАТЕРИАЛОВ РАННЕГО ПАЛЕОЛИТА)

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются вопросы датировки стоянки Кульбулак, одного из памятников древнего каменного века, расположенного в Ахангаранской долине, а также дискуссии и критические взгляды относительно интерпретации каменной индустрии раннего палеолита. Кроме того, на основе научных работ палеолитоведа М.Р. Касымова в статье подробно анализируются технико-типологические особенности каменных орудий, извлечённых из отложений раннего палеолита Кульбулакского технокомплекса, а также их культурная специфика.

Ключевые слова: Ранний палеолит, ашел, леваллуа, микок, каменная индустрия, пластина, отщеп, нуклеус, чоппер, бифас, кливер.

Anvarbek M. Omonov,

University of Science and Technologies
Associate Professor, Department of Social Sciences
Doctor of Philosophy (PhD) in History
E-mail: omonovanvarbek13@gmail.com

Ma'rufjon N.Ro'ziyev

University of Science and Technologies
Master's student, 2nd year
Program: Methods of Teaching Social and Humanitarian
Sciences (History)
E-mail: marufjonroziyev34@gmail.com

ON THE ANALYSIS OF THE STONE INDUSTRY OF THE KULBULAK (BASED ON MATERIALS OF THE EARLY PALEOLITHIC PERIOD)

ABSTRACT

This article examines the issues of dating the Kulbulak, one of the Stone Age monuments located in the Akhangaran Valley, as well as the debates and critical perspectives regarding the interpretation of the Early Paleolithic stone industry. In addition, based on the scientific works of the Paleolithic scholar M.R. Kasymov, the article provides a detailed analysis of the technotypical characteristics of stone tools recovered from the Early Paleolithic deposits of the Kulbulak technocomplex, as well as their cultural specificity.

Index Terms: Early Paleolithic, acheul, levallua, mikok, stone industry, blade, point, core, chopper, biface, cleaver.

1. Долзарблиги:

Сўнгги йилларда амалга оширилаётган туб ислохотлар мамлакатимизда илм-фан, хусусан, тарих фанининг барқарор ривожланишини таъминлаш ва долзарб илмий тадқиқотларни ташкил этишга имкон бермоқда. Халқаро ташкилотлар, хусусан, ЮНЕСКО томонидан ишлаб чиқилган стратегик дастурларда маданий меросни сақлаш, цивилизация намуналарини ўрганиш каби лойиҳаларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса ўз навбатида, халқаро ҳамкорликнинг кенгайишига ва янги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга кўмак беради. Мазкур жараёнда археологик тадқиқотлар давомида тўпланган натижалардан фойдаланиш миллий ва умумбашарий кадрятлар ривожига замин яратмоқда.

Қадим ўтмишимизни ўрганиш ва ёритишда палеолит даврига оид ёдгорликлардан топилган моддий манбаларнинг (тош ашёлар) ўрни беқиёсдир. Мамлакатимизда палеолитнинг барча босқичларига оид (илк, ўрта ва сўнгги) макон-манзилгоҳлар,

топилмажой ва устахоналар топиб ўрганилган. Буларга Тешиктош, Амир Темур ғори, Ангиллак, Омонқўтон Обираҳмат ғор маконлари ҳамда очик типдаги Қутирбулоқ, Зирабулоқ, Кўлбулоқ ва бошқа ёдгорликларни мисол қиламиз. Мазкур ибтидоий давр манзилгоҳлари орасида Кўлбулоқ таянч ёдгорликлардан бири ҳисобланади. Марказий Осиёнинг илк палеолит даври тарихи ва маданиятини ўрганишда, таҳлил қилишда Кўлбулоқ ёдгорлиги муҳим аҳамият касб этади. Бироқ кейинги йилларда, ёдгорликнинг илк палеолит даврига оид қатламлари, тош ашёларининг талқини ва ёдгорликнинг санаси борасида хорижлик палеолитшунос олимларнинг танқидий қарашлари мавжуд. Шу сабабли, Кўлбулоқнинг қуйи қатламларидан қазиб олинган тош индустрияни морфологик, типологик усуллар орқали (М.Р. Қосимовнинг нашрлари асосида) қайтадан таҳлил қилиш (тип-варақларни тузиш), шу асосда маданий хослиги ва ёдгорликнинг санасига нисбий бўлса-да аниқлик киритиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

2. Методлар:

Мақолада тарихий-қиёсий, ҳамда археология соҳасидаги морфологик, техник-типологик усуллардан фойдаланиб, мавжуд манбаларга объектив ёндашиш орқали Кўлбулоқнинг илк палеолитга оид тош ашёлари илмий таҳлил этилди.

3. Тадқиқот натижалари:

Чотқол тоғ тизмасининг жанубий этаклари (Оҳангарон воҳаси) – қадимги тош даври ёдгорликларига сероб бўлган худудлардан бири ҳисобланади. Воҳанинг қулай палеоэкологик шароити (муътадил иқлими, хомашё манбалари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) мазкур худудда тош даври жамоаларининг жадал миграциясига ҳамда бир қатор ибтидоий макон-манзилгоҳларнинг вужудга келишига замин яратган. Шу сабабли, Оҳангарон дарёси ҳавзаларининг антропоген ўзлаштирилиши ўрта плейстоцен давридан бошланган. Ушбу худудда илк палеолит даврига мансуб бир қатор ёдгорликлар аниқланган. Буларга Қизилолма 2, Кўлбулоқ (қуйи қатламлар), Жарсой 2 ва Тошсой каби ёдгорликларни мисол қиламиз. Булар орасида Қизилолма 2 қадимги тош даври устахоналаридан бири бўлса, Кўлбулоқ стратиграфиялашган ёдгорлик ҳисобланади. Жарсой 2 ва Тошсойда эса маданий қатлам учрамайди, ушбу топилмажойларнинг ер юзасидан ўнлаб тош ашёлар йиғиб олинган [1; 2; 4; 15].

Кўлбулоқ - Марказий Осиёдаги таянч ёдгорликлардан бири сифатида талқин қилинган [4; 5; 8]. Ёдгорлик Чотқол тоғ тизмаси ён бағрида, Ангрен дарёсининг ўнг қирғоғида, Облик қишлоғидан 5 км шимоли-ғарбда, денгиз сатҳидан 1200 метр баландликда жойлашган. Ёдгорликнинг ўрнашув координаталари: 41°00'31"N ва 70°00'22"E. Кўлбулоқ 1962 йилда О.М. Ростовцев томонидан аниқланган, М.Р. Қосимов томонидан эса (1963-1990 йиллар мобайнида) тадқиқ этилган. Мазкур даврда амалга оширилган тадқиқот натижалари қатор илмий мақолаларда ҳамда М.Р. Қосимовнинг докторлик диссертациясида ўз аксини топган [4; 5; 6; 7; 8; 9; 10].

Марказий Осиёда ибтидоий давр археологияси ривожига улкан ҳисса қўшган, таниқли палеолитшунос олим М.Р. Қосимов томонидан Кўлбулоқда олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар натижасида 600 м² майдон очиб ўрганилган ва бу ердаги №3 шурфдан ашел (22 та қатлам), мусте (24 та қатлам) ҳамда сўнгги палеолит даврига оид (3 та қатлам) 49 та маданий қатлам аниқланган. Қазिशмалар натижасида тишсимон ва ўйиб-кертиб ишланган қирғичлар ҳамда тейяк типдаги тош қуроллар топилган ва унинг Ўрта Осиёда ўхшаши йўқ маданиятга хос деб талқил қилинган [6; 7; 8]. М.Р. Қосимовнинг фикрига кўра, Кўлбулоқ маконининг моҳияти, унинг ашел, мусте ва сўнгги палеолит даврига мансуб кўп қатламлигидадир. Шунингдек, бу қатламлар устма-уст жойлашиб, бир-бирини узлуксиз давом эттиради, яъни палеолитнинг ашел давридан мусте босқичига ва ўз навбатида, мустедан сўнгги палеолит даврига ўтиш жараёнлари ёдгорликда ўз аксини топади. Ёдгорликдан минглаб тош ашёлар, палеофауна ва палеофлора (ҳайвонот ва ўсимлик дунёси) қолдиқлари қазиб олинган [6; 7; 8; 10].

Кўлбулоқнинг илк палеолит даврига оид қуйи қатламлари 9 м.кв. жойда очилган бўлиб, 12,9-17,2 метр чуқурликда жойлашган. Мазкур қатламлардан тош буюмлар билан

бирга кўплаб хайвон суяк қолдиқлари топилган. Тош индустрия: бифаслар, галкали куроллар (чоппер ва чоппинглар), тош болталар (кливер), ўйиб-кертиб ишланган куроллар, тишсимон ретушли куроллар, қирғичлар, баргсимон пайконлар каби примитив ва архаик куроллардан таркиб топган [8].

XX асрнинг 80 - йилларида Кўлбулоқда комплекс (археологик, геологик, палеогеографик, литологик, палинологик ва б.) тадқиқотлар олиб борилган. Илк палеолит даврини характерловчи тош ашёлар қазиб олинган ётқизикларнинг даврини аниқлашда, палеомагнит усулидан фойдаланилган. Таниқли геолог олим, Х.Туйчиев томонидан Кўлбулоқнинг ашелга оид 31-маданий қатлам остидаги плейстоцен ётқизиклари (палеомагнит усули билан) 700 минг йиллар билан саналанган [7; 8].

Ёдгорликнинг илк палеолитга оид тош индустриясининг морфологик ва типологик таҳлили уни ашел маданиятига хослигини, аналогияси эса Озарбайжондаги Чақмоқли ва Яқин Шарқдаги Латамна каби илк палеолит даври технокомплекслари материалларига яқинлигини кўрсатди.

Истиклолга эришганимиздан сўнг Кўлбулоқда халқаро ҳамкорлик доирасидаги дастлабки археологик тадқиқотлар академик Ў.И. Исломов ва профессор Н.К. Анисюткин раҳбарлигида олиб борилган (*Кўлбулоқ ёдгорлигини ўрганишининг иккинчи босқичи*). 1994-1995 йилларда Кўлбулоқ ва унинг атрофидаги палеолит даврига оид ёдгорликлар Ўзбекистон-Россия халқаро қўшма экспедицияси томонидан ўрганилган [1; 2; 13]. Икки мавсум давом этган тадқиқотларда Кўлбулоқнинг сўнгги палеолит даврига оид юқори (1-3) қатламлари қазиб ўрганилган. Ушбу халқаро экспедиция томонидан олиб борилган қазилмаларда, ҳозирги кунда етук палеолитшунос олимлардан Б.Қ. Сайфуллаев ва Н.О. Хушвақовлар иштирок этишган.

Бирок Кўлбулоқ макони яхши ўрганилганлигига қарамасдан, унинг стратиграфияси, даври, илк палеолитга оид ётқизиклари ва тош буюмлари хусусида мунозаралар мавжуд [14]. Марказий Осиёнинг эталон ёдгорликларидан бири сифатида талқин этилган Кўлбулоқнинг илк палеолитга оид тош ашёлар тўпламининг мавжудлиги борасида тадқиқотчилар орасида турли фикрлилик юзага келган [3; 14].

2007-2019 йиллар мобайнида Кўлбулоқ ёдгорлиги Ўзбекистон-Россия халқаро қўшма экспедицияси томонидан қайтадан тадқиқ этилди (*бу Кўлбулоқни ўрганишининг учинчи босқичи*). Бир неча мавсум давомида қазилмалар олиб борилиб, янги археологик материаллар олинди [11; 12; 17]. Шу давр мобайнида қазиб олинган тош ашёлар қатламма-қатлам классификация қилиниб, замонавий методлар асосида тадқиқ этилган. Экспедиция тош даври мутахассисларидан А.И. Кривошапкин, К.К. Павленок, қазилмаларда илк палеолитга оид қатламларнинг учрамаганлиги, мазкур даврни характерлайдиган куролларнинг ҳам йўқлиги, ёдгорликдан фақат сўнгги ва илк ўрта палеолитга (ўрта палеолитнинг қуйи босқичи назарда тутилмоқда) мансуб тош ашёлар қазиб олинганлигини тадқиқот натижалари ва илмий мақолаларда қайд этишган. Экспедиция аъзолари томонидан ёдгорликнинг юқори қатламидан (сўнгги палеолит даврига оид маданий қатламлар, 1-3) бошлаб то 23-24 маданий қатламларгача қазилмалар олиб борилган. Бирок, 24 қатламга келиб қазилмалар тўхтаган, ундан пастки қатламлар эса очиб ўрганилмаган (илк палеолит даври ётқизиклари назарда тутилмоқда). Қазилмалар давом этмаганига асосий сабаб - шурфда сув сизиб чиқиши кузатилган.

Ёдгорликнинг маданий қатламларидан таҳлиллар учун намуналар олинган ва табиий фан соҳаларининг замонавий усуллари ёрдамида ёдгорликнинг даври аниқланган. Кўлбулоқнинг 23-қатлами дастлаб 83 минг йил билан, кейинчалик эса 23-24 маданий қатлам янги усул (люминесцент усули) ёрдамида 190-240 минг йиллар билан саналанган [12; 17]. Мазкур қатламларнинг тош индустрияси леваллуа-пластинасимон (леваллуа типидagi пластиналар чақмоқлаш) анъанага эга ўрта палеолитнинг бир варианты сифатида талқин қилинган.

Хуллас, Ўзбекистон-Россия халқаро қўшма экспедициясининг 2007-2019 йиллар мобайнида Кўлбулоқда олиб борган тадқиқотлари натижаларига кўра, бу ерда илк

плейстоценга оид маданий қатламлар ва қолдиқларнинг учрамаслиги қайд этилган. Эҳтимол, Кўлбулоқда ҳақиқатда илк плейстоцен даври ётқиқиқлари учрасада, аралаш характерга эга бўлиши мумкин, бироқ унинг қуйи қатламларида илк палеолитни характерлайдиган комплексларнинг мавжудлиги шубҳасиз.

Кўлбулоқнинг илк палеолитга оид тош индустриясининг талқини Россиялик таниқли палеолитшунос олим, А.П. Деревянконинг ҳам эътиборини тортди. 2017 йил нашрдан чикган монографиясида А.П. Деревянко, Кўлбулоқда М.Р. Қосимов томонидан ажратилган бифаслар ва кливерларнинг ашел маданиятига алоқаси йўқлиги, ҳамда типологик жиҳатдан нотўғри талқин этилганлиги хусусида тўхталиб ўтган [3]. Мутахассис ёдгорликнинг хронологиясига ҳам тўхталиб, унинг санаси қадимийлаштириб юборилганлигини ва Кўлбулоқ ўрта плейстоценнинг иккинчи ярмида (390-126 минг йиллар оралиғи) қадимги одамлар томонидан ўзлаштирилган деган хулосага келган [3]. Шу тариқа, А.П. Деревянко томонидан Кўлбулоқда ашел маданиятини характерлайдиган тош қуролларнинг мавжудлиги тан олинмади.

Бироқ таниқли палеолитшунос олимлардан Ў.И. Исломов, В.А. Ранов, Н.К. Анисюткин, Б.Қ. Сайфуллаев ва Н.О.Хушвақовнинг таъкидлашича, М.Р. Қосимов томонидан Кўлбулоқнинг қуйи (илк) палеолит даврига оид ётқиқиқларидан қазиб олинган тош ашёлар тўпламида микок типидидаги қўпол ва атипик илк палеолит даврини характерлайдиган бифаслар серияси мавжуд бўлган (35 дона). Юқорида қайд этганимиздек, Кўлбулоқда 1994-1995 йилларда халқаро ҳамкорликда археологик тадқиқотлар олиб борилган. Ана шу тадқиқотлар мобайнида (1995 йилги мавсум) микок типидидаги бифаслар В.А. Ранов томонидан (Н.К. Анисюткин иштирокида) чизиб олинган бўлсада, чоп этилмасдан қолиб кетган. Хусусан, микок-тейяк типидидаги бифаслар сериясидаги айрим тош қуроллар М.Р. Қосимовнинг айрим мақолаларида ҳам акс этган [7; 8; 10].

Мавжуд мунозаралар ва танқидий қарашларга чек қуйишнинг ягона ечими бу Кўлбулоқнинг энг қуйи қатламларидан қазиб олинган тош ашёларини қайтадан синчиклаб ўрганиб, морфологик ва техник-типологик усуллар орқали тадқиқ этиш лозим, аммо бунинг иложи йўқ, чунки ёдгорликнинг М.Р. Қосимов томонидан қазиб олинган илк палеолит даврига оид тош индустрияси номаълум сабабларга кўра йўқолган.

Фикримизча, М.Р. Қосимов томонидан ёдгорликнинг илк палеолит даври қатламлари тош индустриясининг тип-варақлари ишлаб чиқилмаган ёки бизгача етиб келмаган. Шундай бўлса-да, мазкур мақолада мавжуд нашрлар (М.Р. Қосимов илмий ишлари) асосида Кўлбулоқнинг илк палеолит даврига оид тош индустриясининг (бирламчи ва иккиламчи тош ашёлар) тип-варақларини тузиб, асосий эътиборни маданий хусусиятлар тўғрисида маълумот берадиган тош қуролларга қаратдик. Қуйида бу хусусда батафсил тўхталиб ўтамыз.

Палеолитшунос олим, М. Р. Қосимов томонидан қазиб олинган Кўлбулоқнинг илк палеолитга оид тош индустриясида леваллуа техникаси учрамайди. Леваллуа концептуал тош синдириш техникаси Шимолий Африкада бундан 400 минг йиллар муқаддам пайдо бўлган, бошқа минтақаларга эса 30-40 минг йиллик тафовут билан секин тарқалган [16]. Дунё минтақаларида мазкур тош синдириш техникаси асосан ўрта ва сўнгги палеолит даври технокомплексларида учрайди.

Кўлбулоқнинг илк палеолитга оид тўпламида кремнийлашган оҳақтош, яшма тош жинсларидан ишланган чоппер ҳамда чоппинглар (галкали қуроллар) ҳам мавжуд. М.Р. Қосимов томонидан Кўлбулоқнинг илк палеолитга оид деб топилган ётқиқиқлардан жами 1455 дона тош ашё типологик таҳлилдан ўтказилган [5; 6; 7; 8; 10]. Мазкур тош ашёлардан 578 таси бирламчи ишлов берилган тош буюмлар бўлиб, ўзаклар (нуклеус) талайгина (46,9 %). Жами 57 дона нуклеус бўлиб, шундан 43 та гардишсимон ҳамда 14 та бир ва икки зарб майдонли ўзаклар мавжуд. Қолганлари атипик ва нуклеус бўлақлари ҳисобланади (**1-жадвал**). Тўпламнинг бирламчи ишлов берилган тош буюмлари орасида учириндилар катта ўринни эгаллайди (53, 1 %).

1-жадвал. Кўлбулоқ технокомплекси бирламчи ишланган тош ашёларининг тип-варақи (М.Р. Қосимов бўйича).

| Тип | Жами | % |
|--------------------|------------|------------|
| Ўзақлар: | 271 | 46,9 |
| Гардишсимон | 43 | 7,4 |
| Бир зарб майдонли | 9 | 1,5 |
| Икки зарб майдонли | 5 | 0,9 |
| Атипик | 62 | 10,7 |
| Ўзаксимон бўлақлар | 152 | 26,3 |
| Учириндилар | 307 | 53,1 |
| Жами: | 578 | 100 |

Иккиламчи ишлов берилган тош қуроллар эса жами 877 тани бўлиб, мазкур тош ашёлар ёдгорликнинг юқорисида жойлашган кремний конларидан ва Оҳангарон дарёси ўзанидан йиғилган галкали (қайроқтош) тош хомашёлардан ишланган [8]. Ёдгорликнинг тош қуроллари орасида асосий ўринни ўйиб-кертиб ишланган ва тишсимон характердаги элементлар эгаллайди (30 % га яқин). Шунингдек тўпламда тейяк типидagi қирғичлар, қирғичсимон-тишсимон қуроллар, ўйиб-кертиб ишланган қуроллар, ўйиб-кертган қирғичсимон қуроллар ҳамда тишсимон қуроллар ҳам мавжуд (**2-жадвал**).

Тип-варақдан кўришимиз мумкинки, Кўлбулоқнинг қуйи қатламларидан олинган илк палеолитга оид тош ашёларнинг катта қисмини тишсимон-тейяк типидagi тош қуроллар ташкил қилади. Аммо тишсимон элементлар ҳақида гапирганда, Кўлбулоқ топилмажойи тош буюмларининг пролювиал-селли келиб чиқиш характерини ҳам ҳисобга олишимиз лозим.

2-жадвал. Кўлбулоқнинг илк палеолитга оид тош қуролларининг тип-варақи (М.Р. Қосимов бўйича).

| Тип | Сони | % |
|--|------------|------------|
| Бифас | 6 | 0,7 |
| Дротик (бифассимон қурол) | 4 | 0,4 |
| Кливер (тош болта) | 6 | 0,7 |
| Чопер | 15 | 1,7 |
| Кўндаланг қирғичлар | 151 | 17,2 |
| “Кўлбулоқ тип”даги қирғичлар | 19 | 2,1 |
| Ёнлама қирғичлар | 27 | 3,1 |
| Кўп тиғли қирғичлар | 111 | 12,6 |
| Бир тиғли қирғичлар | 47 | 5,3 |
| Конвергент қирғич-қирғиччалар | 2 | 0,2 |
| Конвергент қирғичлар | 4 | 0,4 |
| Тейяк типидagi қирғич-қирғичлар | 7 | 0,8 |
| Қирғичсимон-тишсимон қуроллар | 85 | 9,7 |
| Уйиб-кертиб ишланган қуроллар | 52 | 6 |
| Уйиб-кертган –қирғичсимон қуроллар | 41 | 4,7 |
| Тешгичсимон қуроллар | 8 | 0,9 |
| Тишсимон қуроллар | 57 | 6,5 |
| Қирғувчи-кесгувчи қуроллар | 26 | 2,9 |
| Йўнилги учида шакллантирилган қирғичча | 27 | 3 |
| Рутушланган учириндилар | 182 | 20,7 |
| Жами | 877 | 100 |

Ушбу жадвалга аҳамият берадиган бўлсак, Кўлбулоқнинг илк палеолитга оид тош тўпламида композит қуроллар, кам сонли қирғувчи-кесгувчи қуроллар, қирғиччалар, кесгичлар ҳамда рутушланган учириндилар ҳам учрайди.

Фикримизча, Кўлбулоқнинг қуйи қатламлари материаллари транспортировкага учраган, бироқ бундай аралашув турли даврларда содир бўлган. Бу ҳақда ушбу

коллекциядаги асосан илк палеолитни характерловчи ҳамда айрим ўрта ва сўнги палеолитга хос тош буюмларнинг Кўлбулоқнинг илк палеолитга оид деб топилган қатламларида учраши ҳам гувоҳлик беради.

Хулоса қилиб айтганда, ёдгорликнинг илк палеолит билан даврлаштирилган тош индустриясида леваллуа концептуал тош синдириш (чақмоқлаш) техникасининг учрамаслиги, ҳамда ўрта палеолит даврига оид 23-24 маданий қатламлар 190-240 минг йиллар билан саналангани, Кўлбулоқ энг қўйи қатламларининг ёши 300-400 минг йилдан ҳам қадимийроқ эканлигига ишора қилади. Шунингдек, Кўлбулоқда галкали қуроллар (чопперлар) билан бирга бифаслар ва кливерлар биргаликда учрайди, демак, тошга ишлов беришнинг белгиловчи аъналаридан келиб чиқсак, Кўлбулоқ - галкали маданий хусусиятлар билан бифаслар ишлаб чиқариш аънасининг қоришувидан ҳосил бўлган синтезлашган ёдгорликлар қаторига киради.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Анисюткин Н.К., Исламов У.И., Крахмаль К.А., Сайфуллаев Б.К., Хушваков Н.О. (1995). Новые исследования палеолита в Ахангаране (Узбекистан). Санкт-Петербург. - 40 с. (Anisyutkin N.K., Islamov U.I., Krakhmal K.A., Sayfullaev B.K., Khushvaktov N.O. (1995) New studies of the Paleolithic in Akhangaran (Uzbekistan). St. Petersburg. - 40 p.)
2. Анисюткин Н.К., Исламов У.И., Крахмаль К.А., Сайфуллаев Б., Хушваков Н.О. (1996). Раскопки стоянки Кульбулак в 1995 г. Новые археологические открытия и изучение культурной трансформации. – СПб. – С. 63-65. (Anisyutkin N.K., Islamov U.I., Krakhmal K.A., Sayfullaev B., Khushvaktov N.O. (1996). Excavations of the Kulbulak site in 1995. New archaeological discoveries and the study of cultural transformation. – St. Peterburg. – P. 63-65.)
3. Деревянко А.П. (2017). Три глобальные миграции человека в Евразии. Том 2. Первоначальное заселение человеком Северной, Центральной и Средней Азии. Новосибирск, Изд-во ИАЭТ СО РАН. - С. 399-415. (Derevyanko A. P. (2017). Three global human migrations in Eurasia. Vol. II. The original peopling of Northern, Central and Western Central Asia. Novosibirsk: IAET SB RAS, Publ., - P. 399-415.)
4. Касымов М.Р. (1967). Памятники каменного века в долине Ангрена // ОНУ, №2. Ташкент. – С. 57-58. (Kasymov M.R. (1967). Monuments of the Stone Age in the Angren Valley // ONU, No. 2. Tashkent. – P. 57-58.)
5. Касымов М.Р. (1972а). Культуры и варианты палеолита Узбекистана // Каменный век Средней Азии и Казахстана. Ташкент. – С. 16. (Kasymov M.R. (1972а). Cultures and variants of the Paleolithic of Uzbekistan // Stone Age of Central Asia and Kazakhstan. Tashkent. – P. 16.)
6. Касымов М.Р. (1972б). Многослойная палеолитическая стоянка Кульбулак в Узбекистане // МИА, № 185. Москва. – С. 31. (Kasymov M.R. (1972б). Multilayer Paleolithic site of Kulbulak in Uzbekistan // MIA, No. 185. Moscow. – P. 31.)
7. Касымов М.Р., Годин М.Х. (1984). Важнейшие результаты исследований многослойной стоянки Кульбулак // ИМКУ, вып. 19. Ташкент. – С. 3-18. (Kasymov M.R., Godin M.Kh. (1984). The most important results of studies of the multi-layer site of Kulbulak // IMKU, vol. 19. Tashkent. – P. 3-18.)
8. Касымов М.Р. (1990а). Проблемы палеолита Средней Азии и Южного Казахстана. Автореф. дисс. докт. ист. наук. Новосибирск. – 47 с. (Kasymov M.R. (1990а). Paleolithic problems of Central Asia and South Kazakhstan. ABSTRACT of thesis. diss. doct. ist. sciences. Novosibirsk. – 13 p.)
9. Касымов М.Р. (1990б). О проблемах изучения палеолита на территории Средней Азии и Южного Казахстана // ОНУ, № 9, Ташкент. – С. 22. (Kasymov M.R. (1990б). On the problems of studying the Paleolithic in the territory of Central Asia and Southern Kazakhstan // ONU, No. 9, Tashkent. – P. 22.)

10. Касымов М.Р., Годин М.Х., Худайбердыев Т.Н. (1992). Домустьерские культуры на территории Узбекистана // Хроностратиграфия палеолита Северной, Центральной, Восточной Азии и Америки. Новосибирск. – С. 18-20. (Kasymov M.R., Godin M.Kh., Khudaiberdyev T.N. (1992). Pre-Mousterian cultures on the territory of Uzbekistan // Chronostratigraphy of the Paleolithic of North, Central, East Asia and America. Novosibirsk. – P. 18-20.)
11. Кривошапкин А.И., Колобова К.А., Фляс Д., Павленок К.К., Исламов У.И., Лукьянова Г.Д. (2010). Индустрия слоя 23 стоянки Кульбулак по материалам раскопок 2010 года // Проблемы археологии, этнографии и антропологии Сибири и сопредельных территорий. - Новосибирск: Изд-во ИАЭТ СО РАН. - Т.ХVI. – С. 105-110. (Krivoshapkin A.I., Kolobova K.A., Flyas D., Pavlenok K.K., Islamov U.I., Lukyanova G.D. (2010). The industry of Layer 23 at the Kulbulak site based on the materials of the 2010 excavations // Problems of Archaeology, Ethnography and Anthropology of Siberia and Adjacent Territories. – Novosibirsk: Publishing House of the Institute of Archaeology and Ethnography, Siberian Branch of the Russian Academy of Sciences. – Vol. XVI. – pp. 105–110.)
12. Кривошапкин А.И. (2012). Обирахматский вариант перехода от среднего к верхнему палеолиту в Центральной Азии. Автореф. дисс. на соиск. уч. степен. докт. ист. наук. Новосибирск, 2012. – 37 с. (Krivoshapkin A.I. (2012). The Obi-Rakhmat variant of the transition from the Middle to the Upper Paleolithic in Central Asia. ABSTRACT of a dissertation for the degree of Doctor of Historical Sciences. Novosibirsk, 2012. – 37 p.)
13. Омонов А.М. (2013). Кўлбулак ва унинг атрофидаги палеолит даври ёдгорликларининг ўрганилиши // Ўзбекистон археологияси, №1 (6). Самарқанд. 94-101 бетлар. (Omonov A.M. (2013). Study of Paleolithic monuments in Kulbulak and its surroundings // Archeology of Uzbekistan, No. 1 (6). Samarkand. Pages 94-101)
14. Омонов А.М. (2019). Ўзбекистон палеолити хорижлик мутахассислар нигоҳида (мунозара ва танқидий қарашлар) // Ўзбекистон археологияси. №2, (19). 112-121 бетлар. (Omonov A. M. (2019). Paleolithic of Uzbekistan in the eyes of foreign experts (discussion and critical views. Archeology of Uzbekistan. No 2 (19). Samarkand, - P.112-121.)
15. Омонов А.М. (2022 а). Ўрта Осиёнинг илк палеолит даври ёдгорликлари классификациясига доир // “Ўрта Осиё тарихи ва археологияси” – мавзусида Термиз музейининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий конференция материаллари. Термиз. 178-188 бетлар. (Omonov A.M. (2022a). On the classification of Early Paleolithic sites of Central Asia // Proceedings of the scientific conference “History and Archaeology of Central Asia,” dedicated to the 20th anniversary of the Termez Museum. Termez, pp. 178–188.)
16. Омонов А.М. (2022 б). Леваллуа концептуал чакмоқлаш техникаси ва Ўрта Осиёда ашел маданиятининг иккинчи миграцион оқими ёдгорликлари // “Ўзбекистон археологиясининг долзарб масалалари” – мавзусидаги Республика илмий конференция материаллари. Самарқанд. 253-259 бетлар. (Omonov A. M. (2022 b). Levallois conceptual knapping technique and sites of the second migration wave of the Acheulean culture in Central Asia // Proceedings of the Republican Scientific Conference “Current Issues of Archaeology of Uzbekistan”. Samarkand, 2022. pp. 253–259.)
17. Павленок Г.Д., Когай С.А., Курбанов Р.Н., Мухтаров Г.А., Павленок К.К. (2023). Появление леваллуа-пластинчатой индустрии в западной части Центральной Азии // Международный симпозиум «Новейшие открытия в палеолите Евразии» посвященный юбилею академика А.П. Деревянко. Тезисы докладов, ИАЭТ СО РАН, Новосибирск. – С. 55-56. (Pavlenok G.D., Kogay S.A., Kurbanov R.N., Mukhtarov G.A., Pavlenok K.K. (2023). The emergence of the Levallois blade industry in the western part of Central Asia // International Symposium “Latest Discoveries in the Paleolithic of Eurasia,” dedicated to the anniversary of Academician A.P. Derevyanko. ABSTRACTS of reports, Institute of Archaeology and Ethnography SB RAS, Novosibirsk. – pp. 55–56.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000